



CRIMES IN THE FIELD OF ECOLOGY: IMPORTANCE OF UNDERSTANDING UTEMURATOVA S.SH.

Karakalpak State University

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11500176>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2024

Accepted: 04th June 2024

Online: 05th June 2024

KEYWORDS

Natural environment, ecology, crimes in the field of ecology, environmental legislation, criminal code.

ABSTRACT

In the article, based on the observations and definitions of scientists who have conducted research on the topic, the author proposes an understanding of crimes in the field of ecology.

ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ УТЕМУРАТОВА С.Ш.

Қорақалпоқ давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11500176>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2024

Accepted: 04th June 2024

Online: 05th June 2024

KEYWORDS

Табиий муҳит, экология, экология соҳасидаги жиноятлар, экология соҳасидаги қонунчилик, жиноят кодекси.

ABSTRACT

Мақолада экология соҳасидаги жиноятлар тушунчасини шакллантиришда ушбу мавзу буйича тадқиқот олиб борган олимларнинг турли хил ёндашувлари, таърифлари ўрганилиши асосида муаллиф томонидан экология соҳасидаги жиноятларнинг тушунчаси таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси биринчи марта экология соҳасидаги жиноятларнинг илгари тарқоқ бўлган таркибларини бирлаштирган, аммо жиноят қонунида "экология соҳасидаги жиноят" тушунчасининг ўзи белгиланмаган. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги [1] амалдаги қонунида, шунингдек Жиноят кодексида ҳам экология соҳасидаги жиноят тушунчаси таснифи келтирилмаган. Лекин, экология соҳасидаги жиноятларни бошқа ухшаш жиноятлардан фарқлаш ва экологик жиноятчилик муаммосини янада тадқиқ қилиш учун экологик жиноятнинг асосий белгиларини аниқлаш ва унинг таснифини аниқлаш зарур.



Адабиётларда "экология соҳасидаги жиноят" тушунчасига катта эътибор берилган. А. И. Чучаев, Э. Н. Жевлаков, Е. В. Виноградова, В. Л. Кудрявцев, И. В. Лавыгина ва бошқа муаллифлар ишларида турли хил ёндашувлар тавсифланган, таърифлар таклиф қилинган ва белгилар баён қилинган. "Экология соҳасидаги жиноятлар" тушунчаси ҳақида олимлар орасида ягона фикрлар йўқлиги туфайли, уларнинг таърифлари бир хил эмас.

Масалан, А. И. Чучаев шундай ёзади: "экология соҳасидаги жиноятлар – бу инсоннинг муносиб ҳаёти учун қулай табиий муҳитни сақлашни таъминлайдиган ижтимоий муносабатларга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга тажовуз қиладиган, ижтимоий хавfli айбли ҳаракат" [2].

Э. Н. Жевлаков "экология соҳасидаги жиноятлар"ни жиноят қонунида назарда тутилган, ижтимоий хавfli, айбли, жазоланадиган, сифат жиҳатидан қулай муҳитни сақлашга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ҳаракатлар деб таърифлайди [3].

Е. В. Виноградова, ўз навбатида, Е. Н. Жевлаков томонидан таклиф қилинган тушунчани танқид қилади ва бу таърифнинг номувофиқлигини асослаб, умуман экологик жиноятда ижтимоий хавфлилики ва таъқиқланганлик мавжудлиги уни бошқа жиноятлар гуруҳидан ажрата олмаслигини айтади; бундан ташқари "сифат жиҳатидан қулай муҳитни муҳофаза қилиш бутун табиатни муҳофаза қилишни англатмайди", шунда "табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш экологик муносабатларни эмас, мулкий муносабатларни белгилайди [4]". Бунда Е.В.Виноградова таъкидлайдики, "экологик жиноят – бу жиноят қонуни билан жазоланадиган, экологик хавфсизлик ва экологик қонун тартибига тажовуз қиладиган ва табиий муҳитга жиддий зарар етказадиган ёки зарар келтириш хавфини келтириб чиқарадиган ижтимоий хавfli ҳаракатдир [5]".

Муаллифнинг сўзларига кўра, экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси унинг барча белгилари ва хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайди, чунки "табиий муҳит" тушунчаси Жиноят кодекси моддалари амал қилиши мумкин бўлган санкцияларининг таъсирини торайтиради. Бундай ҳолда табиий муҳитни ҳам, антропоген объектларни ҳам ўз ичига олган "атроф-муҳит" тушунчасидан фойдаланиш янада адолатли бўлар еди, уларнинг одамларга таъсирини камайтириш учун уларнинг хавфсизлиги ҳам таъминланиши керак.

В. Л. Кудрявцевнинг сўзларига кўра, "экология соҳасидаги жиноятлар – бу табиий муҳит компонентларининг мажмуи, табиий ва табиий-антропоген объектлар, шунингдек антропоген объектлар тўплами сифатидаги атроф-муҳитга тажовуз қиладиган ижтимоий хавfli ҳаракатлардир [6]".

О. Л. Дубовикнинг таъкидлашича, экология соҳасидаги жиноятлар "жиноят қонунида назарда тутилган ва у томонидан жазо таҳдиди остида таъқиқланган, оқилона фойдаланиш ва ҳимоя қилиш инсоннинг мақбул ҳаётини таъминлайдиган атроф-муҳитга ва унинг компонентларига, шунингдек, аҳоли ва ҳудудларнинг экологик хавфсизлигига тажовуз қиладиган, ва ижтимоий бойлик сифатидаги табиий



объектлардан бевосита ноқонуний фойдаланишдан (ёки уларга ноқонуний таъсир қилишдан), атроф-муҳит ҳолати ва сифатининг салбий ўзгаришига олиб келадиган айбли ижтимоий хавfli ҳаракат (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб тушунилиши керак" [7].

Экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси буйича олимлар томонидан юқорида билдирилган фикрларни таҳлил қилиб, бизнинг фикримизча О.Л.Дубовик томонидан билдирилган таъриф экология соҳасидаги жиноятларнинг барча хусусиятларини тўлиқ акс эттиради ва ушбу таърифни амалиётда қўллаш қулай деген хулосага келиш мумкин шунингдек, "экология соҳасидаги жиноятлар" тушунчасини шакллантириш учун жиноят ҳуқуқи доктринасида мавжуд бўлган жиноятчиликнинг умумий тушунчасига ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя қилиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни 2 моддасида ифлосланишдан, бузилишдан, зарарланишдан, ориқлаб кетишдан, вайрон бўлишдан, йўқ бўлиб кетишдан, нооқилона фойдаланишдан муҳофаза этиладиган объектларга - ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яъни, давлат кўриқхоналари, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кириши белгиланган. Биз ушбу объектларга зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфини келтириб чиқариш атроф-муҳит компонентларига тажовуз деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятнинг умумий тушунчасини ва Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунида кўрсатилган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектлари рўйхатини ҳисобга олган ҳолда, биз экология соҳасидаги жиноятларнинг янги таърифини таклиф қиламиз:

Экология соҳасидаги жиноятлар – бу жиноят қонунида жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган, зарар келтирадиган ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектларига ва/ёки инсон саломатлигига зарар етказиш хавфини келтириб чиқарадиган айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат, ҳаракатсизлик).

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги 09.12.1992 йилдаги 754-ХII-сон Қонуни [Электрон манба].
[URL:https://lex.uz/ru/docs/107115](https://lex.uz/ru/docs/107115).
2. Князьев А.Г., А.И. Чучаев., Д.Б. Чураков Экологические преступления. Научно-практическое пособие. -Москва: «Проспект», 2014 С.46.



3. Бриллиантова А.В. Уголовное право России: Части Общая и Особенная – Москва: Проспект, 2011. – 827 с.
4. Жевлаков Э.Н. Экологические преступления: понятие, виды, проблемы ответственности: автореферат дис. ... доктора юридических наук: 12.00.08.- Москва, 1991.- 54 с.
5. Виноградова Е.В. Преступления против экологической безопасности автореф. дис. доктора. юрид. наук / Виноградова Елена Валеревна. – Ставропол, 2001 – 26 с.
6. Кудрявцев В.Л. Экологические преступления: Общая характеристика//Вестник Южно-Уралского профессионального института. 2021 (7) -С.105-116.
7. Дубовик О.Л. Экологические преступления: Комментарий к главе 26 УК РФ.-М.: Изд-во «Спарк», 1998. – С. 81.